Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 24 июнь, пайшанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 51 (7144)

**Da`vat**

**Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.**

**Амир ТЕМУР**

**Ibrat**

**Фориш туманидаги Гараша қишлоғида истиқомат қилувчи нафақадаги ўқитувчи Баҳром Қувонов ўз шахсий даромади ҳисобидан 72-ўрта мактабнинг аълочи, фаол ўқувчиларига стипендия улашмоқда.**

# ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари



**САВОЛ.** Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнгги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча, бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?

**ЖАВОБ.** Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганмиз. Ўтган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юртнинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобимда, кейинги вақтдаги нутқ ва чиқишларда, "Тафаккур" журнали, "Туркистон" газетаси, "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўсиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир хомхаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ўн йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга рахна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.**

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **биринчиси** мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳҳобийлик дейсизми, "Ҳизбут-таҳрир" дейсизми, "Мусулмон биродарлар" дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий "доҳийлари" берган кўрсатма ва иқрорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларида жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий "доҳийлар" ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда қўпорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

**Иккинчи** хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало яқин қўшниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

**(Давоми 2-бетда)**




***Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, уларнинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор корхоналарига, шулар жумласидан ҳатто хорижий мамлакатларга, керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим.***

**Ислом КАРИМОВ**
**«Ўқитувчилар газетаси». 1989 йил, 28 октябрь.**

# ХОРИЖДА ЎҚИШ ҚАНДАЙ, «УМИД»ЧИЛАР?

*Иқтидорли ёшларга катта ишонч ва умид билдираётган давлатимиз Президенти, ҳукуматимиз раҳбарлари ёшларнинг хорижда билим олишларига кенг йўл очиб бермоқдалар. Жумладан, 1997 йилда Президентимиз ташаббуси билан тузилган «Умид» жамғармаси фаолияти ҳам айни муддао бўлди. Бу жамғарма томонидан ўтказилган танловларда ҳар йили мамлакатимизнинг бир қанча ўғил-қизлари дунёнинг ривожланган Франция, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларига ўқишга юборилмоқда. Улар орасида Самарқанд Давлат университети талабалари ҳам талайгина. Яқинда, улар АҚШ ва Буюк Британиядан ёзги таътил муносабати билан ватанимизга келдилар ва ўз университетларида ўқитувчилар, талабалар билан учрашувлар ўтказишди.*

*— Учрашувнинг асосий мақсади талабалардан ўзлари ўқиётган хорижий университетлардаги таълим тизими, талабалар учун қўйилган талаблар, яратилган шароитлар, ўқув жараёнининг ташкилий қисмлари, факультетлар, деканатлари фаолиятлари ҳақида тўлароқ маълумот олишдан иборат эди, - деди СамДУ иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази бошлиғи, доцент И. Исроилов. — «Умид»чи ёшлар билан биз ҳам айни шу мақсадда суҳбат қилганимизда улар навбатма-навбат қуйидагиларни сўзлаб беришди.*

***Ш. Раҳматуллаев, Колорадо давлат университети «Сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув экологияси» факультетининг 3-курс талабаси:***

*— Талаба факультетга қабул қилингандан сўнг, унга битта консультант ажратилади. Талаба ўз ўқув жадвалини ўзи тайёрлайди. Бу жадвалга биноан у 1 семестр давомида 4 та фан бўйича ўқув режасини бажариши шарт. Дарслар тўртта блокдан ташкил топади (мутахассислик, гуманитар фанлар, табиий ва математика фанлари).*

**(Давоми 2-бетда)**

# МУАЛЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

**Chorlov**

*Мана, ҳадемай мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган, нисбатан қисқа давр мобойнида Ўзбекистонимиз эришаётган оламшумул ютуқлар нафақат бизларни, балки бутун жаҳонни ҳайратга солаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, халқ таълими соҳасидаги буюк ислоҳотларни, давлатимиз ва шахсан Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу соҳага кўрсатилаётган эътиборни, менимча, ҳар бир зиёли кўриб-билиб, юракдан ҳис қилиб турибди.*

*Яқиндагина Президентимизнинг Олий мактаб фанлари халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланиши ҳам мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги ютуқларини халқаро эътирофи деб айтиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, расмий маълумотларга қараганда, дунёнинг энг нуфузли мамлакатлари бўлмиш Япония, Канада, АҚШда давлат бюджетидан 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига ажратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этган бўлса, амалдаги йилда эса уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.*

*Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукур қил» деган доно нақл бор. Яқин ўтмишда ҳаммамизга «ақл» ўргатиб, гўёки бизни «кўзимизни очмоқчи» бўлган Россияда таълим қандай аҳволда эканлиги, янги мактаб, ўқув юртлари очиш у ёқда турсин, ҳатто борлари ҳам маблағ йўқлиги туфайли ёпилаётганлиги, ўқитувчилари эса, ойлаб, ҳатто йиллаб маош олмаётганликларини ўзларининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, билиб турибмиз. 1990 йилда И.Каримов Президентлик лавозимига сайланиши билан биринчи Фармонини муаллимларнинг иш ҳақини ошириш ва уларга бошқа бир қатор имтиёзлар бериш ҳақида чиқарган эди. Ўтган йиллар давомида неча марта муаллимларнинг маошлари оширилганлиги, Ўзбекистонда бошқа дунёнинг яна қайси бир мамлакатида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Хўш, мана шу имтиёзлар, ғамхўрликлар эгаси бўлиб турган — биз халқ зиёлилари, муаллимлар давлатимиз,*

**(Давоми 2-бетда)**

# ИБРАТ МАКТАБИ

Фарзандга бериладиган энг яхши тарбия - ибрат. Катталарнинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари, нигоҳлари сўзлаётган мавзулари барча-барчаси ибрат мактаби ҳисобланади. Бугун Ўзбекистонда содир бўлаётган янгиликлар, қурилишлар - юксалишлар болаларимизни дидли қилиб тарбиялайди. Масалан, оиласида саранжом-саришталикка ўрганган фарзанд эртага оиладаги бу анъанани сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Чунки унга фақат ана шундай ибрат кўрсатишган ва бу ибратни у янада яхшилашга тиришади, ота-онасидан қолган хислатларни болаларига беради.

Яхшилик, гўзаллик мана шу тариқа авлоддан авлодга ўтади. Фикримча, Юртбошимиз бошчилигида гўзаллашиб бораётган Ўзбекистон ўз жигаргўшаларига - ёшларимизга ибрат мактабида сабоқ бермоқда.

Юртбошимизнинг таклифи ва лойиҳаси бўйича қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг замонавий ҳамда миллий тарзда нозик дид билан қурилаётганининг гувоҳиман. Буни самимият ва ғурур билан таъкидлашни истардим. Мазкур иншоотлар , бу илм масканлари таълим мазмунига ҳам юксак самара беришига ишонаман.

**А. Муҳиддинов,**
**ўқитувчи**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро вилояти ғаллакорларига ва барча меҳнаткашларига мамлакатда биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш бўйича йиллик режани бажарганлари муносабати билан табрик йўллади.**

**• 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг бир қанча вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирокида мажлиси бўлиб ўтди.**

**• Нукусдаги «Катекс» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ва италиялик ишбилармонлар ўртасида «Корт» қўшма корхонасини ташкил этиш юзасидан тузилган шартнома шартлари бажарилди – йилига 3 миллион 152 минг жуфт спорт пайпоғи ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга туширилди.**

**• Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ўзбекистонлик ва Жанубий кореялик тадбиркорлар – «Chonbik Trading Covp.», «Yongsin Co., LTD» каби кўплаб фирма ва компаниялари вакилларининг навбатдаги учрашуви ўтказилди.**

**• БМТ нинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларни Африка мамлакатларидаги қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.**

**• АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэннинг буйруғига биноан, НАТОнинг Югославияга қарши ҳаво ҳужумида қатнашган уч юзта ҳарбий самолёти Европа ва АҚШдаги ҳарбий базаларга қайтарилди.**

**• Шимолий Европанинг беш мамлакати ҳукумат бошлиқлари Халқаро ҳамжамиятни Болқонда тинчликни қарор топтириш учун Сербия аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга даъват қилди.**

**• Жанубий Африка минтақаси мамлакатлари тинчликсевар кучлар тайёрлаш мақсадида махсус ўқув маркази таъсис этди.**

# ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

(Боши 1-бетда)

**САВОЛ:** Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?

**ЖАВОБ:** Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқараши, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. **Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғликдир.**

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, бари бир ўз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эс-ҳуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукурки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис, уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

**Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз - жамиятимиз аъзоларини, аввалambор воягa етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.**

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

**Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз.** Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб берадию кейин қотиб тураверади - учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. **Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишанини қайтадан киймайди.**

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки **ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.**

Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, **баъзи ўринларда, афсуски, кеч қолаяпмиз.**

Нима учун кеч қолаяпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси—мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу - бор ҳақиқат.

**Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман.** Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан **Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**

Айтинг-чи, шундан кейин биз ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб оқ тараган эл-юртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

**САВОЛ.** Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?

**ЖАВОБ:** Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шуғулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг қуйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улуғроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий ахборот ва ўқишлар, машғулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага — одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади — шу режимга керак бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда "Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!" деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мафкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламаса-да, сохта ғояларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди.

**Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?**

Менингча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик **жамият қурар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик.** Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойилларидан деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

**Бизнинг пировард мақсадимиз —инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.** Иншоллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхаёл васвасаси зулукдай ёпишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тўдалар билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура — миллий ғоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, **мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.**

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, педагогларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. **Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.**

Бунинг учун эса аввалambор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

**Биринчидан,** мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. **Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний, хулосалар берсинлар.** Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш дунёқарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

**Иккинчидан,** вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим. Бу кенгашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёркин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

**Учинчидан,** мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

**Тўртинчидан,** мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очиқроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қуйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунича туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

---

# МУАЛЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

(Боши 1-бетда)

*Президентимиз ишончини тўла оқлай олаяпмизми? Ёшларимизга бераётган билимимиз, тарбиямиз ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладими? Ўз ишимиздан қониқиш ҳосил қилсак бўладими?*

*Тўғри, таълим соҳасида эришаётган ютуқларимиз, мақтовга арзигулик ишларимиз кўп. Минглаб фидоий устозлар билим берган ва бераётган ёшларимиз, хорижий мамлакатларда ўқиётган фарзандларимизнинг билими-ю ақл-заковатига тан бераётганлигидан фахрланамиз. Лекин масаланинг иккинчи бир нозик томони, ташвишланишга арзийдиган томони ҳам бор-ки, буни ҳам тан олмасликнинг иложи йўқ. Ҳали ҳам орамизда «устоз» сўзининг асл маъносини англаб ета олмаган, болалар тарбияси учун, уларнинг чуқур билим олишлари учун бутун ақл-идроки, билимини бахш этмайдиган, шахс сифатида ибрат бўла олмайдиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмаслиги кишини ўйлантиради.*

*Давлатимиз, юқорида айтганимиздек, биз мураббийлар учун барча шароитларни яратиб берган бўлса, юртимиз тинч бўлса, ишлаш учун, ижод учун барча шароит мавжуд бўлса-ю бизнинг яхши ишламасликка ҳаққимиз борми? Менимча йўқ! Негаки, ҳеч бўлмаганда ўз жигаргўшаларимиз, оиламиз тинчлигини, тўкин-сочинлигини ва порлоқ истиқболини ўйлаганимизда ҳам, бунинг учун, аввало қўшнимизнинг тинч бўлиши, қолаверса, жамиятимиз фаровон, давлатимиз бақувват бўлиши шартлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Ҳеч ким жиноятчи, ўғри, муттаҳам бўлиб туғилмайди. Айрим ёшларимиз содир этаётган кўнгилсиз воқеаларни пайдо бўлишида ота-оналар қаторида биз мураббийларнинг ҳам ўз ишимизга бўлган совуққонлигимиз, бепарволигимиз ҳам сабаб бўлаяпти. Натижада биз улар қалбига эколмаган "меҳр дарахти" ўрнида ётлар «жаҳолат уруғини» ундиришга имкон топишаяпти.*

*Президентимиз И.Каримовнинг «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим» деган сўзлари тўғридан-тўғри биз — муаллимларга қаратилганини асло унутмаслигимиз шарт. Чунки, юксак билимли, маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялаш бизнинг қўлимизга ишониб топширилган.*

*Қўлимизда аниқ дастур, режа, қўлланмалар, йўл-йўриқлар бор. Мақсадимиз аниқ — келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг муносиб ворислари, ўз ватани, халқи учун Президенти учун керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиган юксак онгли, фидойи ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш. Бунинг учун, энг аввало, ўз ишимизнинг чинакам фидоийси, жонкуяри бўлайлик. Орамизда бирорта ҳам устоз деган улуғ номга доғ туширадиган инсонлар бўлмасин. Биз ўтаётган ҳар бир дарс, тарбиявий суҳбатлар, ўқитувчиларимиз билан бўладиган ҳар қандай мулоқот, уларнинг тафаккурига зиё чашмаси бўлиб ёғилсин! Мустақил юртимизда кун сайин бўлаётган буюк ишлар, ўзгаришлар болаларимизнинг мурғак қалбларига чексиз ифтихор, фахр туйғуларини олиб кириши, келгусида ана шундай буюк ишларнинг давомчилари ўзлари эканликларини улар юракдан тушуниб етишлари учун бутун билимимиз куч-ғайратимизни сарфлайлик.*

*Ана шундагина биз ҳам ҳақиқий маънода эл-юрт ишончини тўла оқлаган бўламиз.*

**Нурмамат АБДУРАҲИМОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги Улуғбек номидаги 48-махсус мактаб-интернат директори, халқ таълими аълочиси**

---

# ХОРИЖДА ЎҚИШ ҚАНДАЙ, «УМИД»ЧИЛАР?

(Боши 1-бетда)

Дарсларга қатнашиш – ихтиёрий, асосий вақт мустақил ишга сарфланади, лекин имтиҳонлар тест ёрдамида топширилади. Ёзма тестлар компьютерда эмас. Ҳар бир имтиҳон 100 баллик тизимда баҳоланади. Семестр давомида ҳар бир ўқув фанидан 4 та имтиҳон ўтказилади ва ҳар семестр охирида 4 баллик системада баҳо чиқарилади. 2,0 балл тўплаган талаба ўзлаштирувчи ҳисобланади. Ўқув йили 2 семестрга бўлинади, сессия 1 ҳафта давом этади.

Саффолк университетида, молия ихтисослиги бўйича ўқиётган Ш. Маматов эса мана бу маълумотлар билан ўртоқлашди:

— АҚШ университетларида мажбурий дарс жадвали қўлланилмайди, талабалар жадвални ўзлари тузишади. 1 та фан бўйича дарслар бир неча ўқитувчи–профессорлар томонидан ўқитилади ва дарсларга талаба хоҳлаган вақтда ўз билим савиясини ҳисобга олган ҳолда ҳафтада 3 марта, 2 марта ёки 1 марта қатнашиши мумкин. Дарслардан ташқари фанлар бўйича турли тўгараклар мавжуд бўлиб, кимки бирон фандан қийналаётган бўлса, ўша фанга оид тўгаракка аъзо бўлади. Дарсларда маърузалар талабаларга биздагидек мажбуран ёздирилмайди. Талаба ва ўқитувчи ўзаро норасмий муносабатда бўладилар. Талабалар ўзларида туғилган саволлар билан махсус ажратиб қўйилган консультантлар, магистрлар, ёки докторантларга мурожаат қилишлари мумкин. Талабалар ўқитувчилар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини деканат томонидан ўтказиладиган аноним сўровларда билдирадилар ва улар деканат томонидан кўриб чиқилади. Ўқитувчилар таркиби жуда кучли, дарслар сони 1 семестрда 4-6та, лекин уларнинг сифатига катта эътибор берилади. Ўқиш жараёнида мустақил ёзма ишлар ёзиш кенг тарқалган.

Ливерпул Жон Мурес университетида (Буюк Британия) амалий компьютер технологияси ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган Ф. Шарипов ўз навбатида Англия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берди:

— Ҳар бир талаба учун мажбурий ва факультатив фанлар рўйхати ўқув йили бошиданоқ бериб қўйилади. Талаба факультатив фанлардан фақат биттасини танлайди. Англияда гуруҳларга аҳамият берилмайди, семинар дарсларида ҳар хил гуруҳларга қатнашиш мумкин. Имтиҳонларда асосан амалий масалалар савол қилиб қўйилади. Имтиҳон натижалари 3-4 та ўқитувчилар томонидан текширилади. Маърузаларга қатнашиш ихтиёрий, талаба ўқитувчидан маъруза матнларини сўраб олиши мумкин. Ўқиш бепул эмас, ҳар бир талаба маълум миқдорда пул тўлайди. Баҳолаш тизими 100 баллик бўлиб, 70 балдан юқориси – аъло, 40 балдан юқориси қониқарли деб ҳисобланади. Контрол ишлар 1—2—3 ҳафтага берилади. Талаба берилган масалани ёзма равишда 6—10 варақда бажаради.

**Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ**

Ma'rifatparvarlar

# ОТА-ОНАЛАР ҲОМИЙЛИГИ

*Бизнинг Жондор туманидаги 127-лицейимиз ўқувчиларининг ота-оналари жуда фаол. Чунончи, ота-оналар фарзандларининг етук инсон бўлмоғи ҳамда чуқур билимга эга бўлиши учун ҳар қандай ёрдамга тайёрдирлар. Шундай сахий ва мурувватли инсонлардан бири Мирхоновлар сулоласи.*

*Шариф Мирхонов Пешку туманидаги қурилиш ташкилотларидан бирида бир неча йиллардан буён бошлиқ бўлиб ишлаб келмоқда.*

*Шариф ака лицейимизнинг таъмирлаш ишларида доимо биринчилардан бўлиб ёрдам кўрсатадилар. 1998-1999 ўқув йилида ҳам «Молия-иқтисод» синфи полини 50 м² чет эл линолеуми билан ўз маошлари ҳисобидан қоплаб бердилар.*

*Шунингдек, Қоровулбозордаги кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Иброҳим ака Ўринов беш нафар аълочи ўқувчимизни 500 сўмдан стипендия билан таъминламоқдалар.*

*Иброҳим ака лицейимизда ўтказиладиган байрамларни уюштириб беришга ҳам ҳомийлик қиляпти.*

*«Бухоро - 1» темир йўл бекати бошлиғи Н. Ҳасанов эса 10-«А» синфи хонасини таъмирлашга катта ҳисса қўшди. У шу билан бирга лицей жамоасининг дам олиб келишлари учун ҳар йили вагон ва автобус ажратиб берадилар. Ўқувчиларнинг Бухоро ва Когон шаҳарларидаги завод-фабрикаларга экскурсияларга чиқишлари учун ҳам автобус ажратадилар.*

*Яна шундай сахий ота-оналардан бири Когон туман «Контракт» фирмасининг бошлиғи Қосимжон Умаров лицей биносининг олд томонини шарқона усулда пишиқ ғишт билан ўраб, лицей залларидаги барча ёнмайдиган лампаларни янгилаб берди. Бу савобли ишларнинг барчаси учун биз улардан чексиз миннатдормиз.*

**М. МУРОДОВА,**
**Жондор туманидаги 127-лицейнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси**



Yangi alifboni o'rganamiz

# МУТАНОСИБЛИК ЗАРУР

**Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий қилиниши таълим-тарбия жараёнида бир қатор масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Айниқса, ўрта мактабларнинг 5-синфидаги машғулотларнинг янги алифбода олиб борилиши таълимда асосан енгиллик туғдирган бўлсада, айрим ўринларда баъзи қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шулардан бири – инглиз ва янги ўзбек алифболари орасидаги муносабатда кўзга ташланяпти.**

**Назаримизда, ушбу муаммо ҳозирга қадар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ишланмаган. Шу сабабли ҳам, биз ушбу мақолада ўз педагогик тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда баъзи таклифларни тавсия этмоқчимиз. Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, инглиз алифбоси ҳам, янги ўзбек алифбоси ҳам лотин ёзувига асосланган. Шу боисдан, алифбодаги ҳарфларнинг аксарияти бир хил кўринишга эга. Ҳар иккала алифбо тартиби ҳам деярли бир хил. Бунинг устига SH, CH ҳарфлар бирикмаларининг ҳар икки алифбода бир хил талаффузга эга эканлиги ҳам ўрганувчилар учун қулайлик туғдиради. Демак, алифболарда ўзаро умумий жиҳатлар бор. Бу эса инглиз тилини ўрганишда қўл келади. Шу сабабли бўлса керак, баъзи ўқувчилар ўзбек лотин алифбосини инглиз тили алифбоси билан айнан бир нарса, деб янглиш тасаввурга эга бўлишмоқда.**

**Лекин кузатишлар шуни кўрсатадики, юқорида таъкидлаб ўтилган ўхшашликлар бир томондан ўрганиш жараёнида қулайлик келтирса, иккинчи томондан ўқувчини чалғитиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам, бизнингча, инглиз ва ўзбек лотин алифболари хусусида қиёсий ҳолда маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, янги ўзбек алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг (SH, CH, NG дан ташқари) фақат битта товушни ифодалаши, инглиз тилида эса бир ҳарф бир неча товушларни англатишини мисоллар ёрдамида тушунтириб бериш зарур. Масалан, G ва Qq ҳарфларини таққослаб кўриш мумкин. G ҳарфи инглиз тилида G ва dj товушларини ифодаласа, ўзбек алифбосида фақат G ни ифодалайди. Qq ҳарфи эса инглиз тилида К товушини англатса, лотин ёзувига асосланган янг ўзбек алифбосида, чуқур тил орқа жарангсиз портловчи ундош қ товушини ифодалашга хизмат қилади. Айни пайтда алифболардаги ҳарфларнинг номланиши ва ёзма шакллари тўғрисида батафсил маълумот беришга тўғри келади.**

**Бизнингча, Cc, Ww ҳарфларининг алифбомизда мавжуд эмаслигига ҳам эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки Cc ҳарфи инглиз тилида S ёки К тарзида талаффуз этилганлиги сабабли баъзи ўқувчилар ўзбекча сўзларни ёзишда ҳам ушбу ҳарфдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, С ҳарфи янги алифбода мустақил ҳолда қўлланмасдан, балки CH шаклида ишлатилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, NG ҳарфлар бирикмаси ва инглиз тилидаги N ва G ҳарфларининг ёнма-ён келадиган ҳолатлари ҳақида ҳам тушунтириш бериш зарур бўлади. Негаки, NG ҳарфлар бирикмаси ўзбек тилидаги тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун қабул қилинган, яъни битта товушни ифодалайди. Демак, ўқувчилар мазкур ҳарфларнинг талаффузи ҳар икки тилда бир-биридан фарқланишини ўзлаштириб олишлари керак.**

**Янги ўзбек алифбосидаги тутуқ (') белгиси ва инглиз тилидаги апостроф (') нинг қўлланиши ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот бериб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки мазкур белгиларнинг бажарадиган вазифалари бир-биридан фарқланади. Чунончи, тутуқ (') белгиси ўзбек тилидаги ўзлашган сўзларда унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ёхуд ундош товушдан ажратиб талаффуз этилишини билдиради. Инглиз тилида эса апострофнинг қўлланилиши бутунлай бошқа ҳолатлар билан боғлиқ. Демак, ўқувчиларга мазкур ҳолатлар тўғрисида маълумот бериш, айни пайтда диакритик белги (') билан солиштириб таққослаш зарур бўлади.**

**Хулоса қилиб айтганда, янги ўзбек алифбосининг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиётида муҳим босқич бўлиб, жаҳон коммуникация тизимига киришни жадаллаштирувчи воситалардан биридир. Айниқса, бу жараён хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ўрганишда қўл келади. Лекин бу алифболар ҳар бир тилнинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олганлигини, специфик товушлар учун махсус белгилар қабул қилинганини, қисқаси, алоҳида алифбо эканлигини ўқувчилар онгига сингдириб бориш лозим бўлади.**

**Қаҳрамон НАРЗИЕВ,**
**Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги А. Қаҳҳор номли мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси**

Aks sado

# МАСЛАҲАТ БЕРИШ ЎРНИГА...

"Маърифат" газетасининг 1999 йил 22 май сонида чоп этилган М.Мусурмонованинг "Ота-она ўргатади, ўрганади" номли мақоласида кўтарилган муаммо ўта долзарб ва муҳим эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Аммо, муаллиф мазкур муаммонинг ечимини ўзгалар зиммасига юклаб, асл ижрочиси ҳам, раҳбари ва маслаҳатчиси ҳам ўзи эканлигини билмаган шекилли. Шу боис: "... ҳар бир мактабнинг, ҳар бир ўқитувчининг ўзига биркитилган маҳаллалари бор. Май ойидан бошлаб 6-7 ёшли болалар борлигини, шулардан қанча бола боғчага қатнаётганини ва қанчаси қатнамаётганлигини яхши билишади. (Мактабгача таълим мутасаддилари-чи? С.А.) Демоқчимизки, ўша маҳаллага биркитилган ўқитувчи маҳалла қўмиталари билан маслаҳатлашган ҳолда, навбат билан ноанъанавий шаклда ота-оналар йиғилишларини ўтказиб туришлари мақсадга мувофиқдир" деганларига қандай изоҳ бериш мумкин?

Муаллиф куюниб: "... ҳозирги кунда Республикамизда 17.6 фоизгина сони жами бўлиб 10,3 фоиз эканлигини камтаринлик билан четлаб ўтган. Наҳотки, вилоят институтига малака оширишга келган мактабгача таълим муассасалари мураббийларига аҳволни яхшилаш, боғчалар сонини кўпайтириш, улар фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган чоралар самара бермаган бўлса? Майли-да, вужудга келган вазиятни ёпиб, текислаб берадиган ўқитувчилар бор-ку! Қани энди улар бу ишни тезроқ бошлаб юборишса! Қарабсизки, фарзандларимиз таълим турлари чегараларидан силлиққина ўтиб кетишади. Мактабгача таълимда эса мутлақо муаммо йўқ. Бундай ёндашувда табиий савол туғилади: вилоятдаги соҳа мутахассислари нима билан шуғулланишади?

Икки йилдирки, таълим тизимимиз туб ислоҳотларга юз тутди. Мактабгача таълим мутахассислари бир нарсани чуқур англаб олишларига фурсат етди: тизимнинг биринчи поғонаси болалар мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинган. Қолган 82,4 фоиз бола тўғридан-тўғри оиладан мактабга бормоқда",деганларида вилоят миқёсида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишга, такомиллаштиришга қарата қилинган ишларни таҳлил қилиб кўрганмикан? "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган узлуксиз таълим тизими, унинг таркибидаги ҳар бир тур олдида турган вазифаларда қайд этилганидек, мактабгача таълим: "... боланинг соғлом ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди". Бугунги кунда мактаб (ўша маҳаллага биркитилган ўқитувчи ҳам) болани мактабдаги таълимга дастлабки, элементар тайёргарлик кўрган ҳолда қабул қилиши кўзда тутилганлигини фаҳмлаб олиш қийин эмас.

Мақола муаллифи статистик рақамларни мисол қилиб келтирар экан, Жиззах вилоятининг ўзида боғчаларга жалб қилинган, мактабдаги таълимга тайёргарлик кўраётган болалар тури 6-7 ёшли болаларни (улар боғчага қатнаган қатнамаганлигидан қатъи назар) мактабга тайёрлаб бериш керак. Аввалги "мактабгача тарбия" эндиликда кенг қамровли, чуқур маъно касб этиб, "мактабгача таълим" деб номланишининг боиси ҳам шунда. Бу дегани: боғча педагогик жамоаси, туман халқ таълими бўлими ходимлари томонидан амалга ошириладиган кўп қиррали, бир-бири билан узвий боғлиқ тадбирлар мажмуаси, мунтазам иш ва самарали назорат тизимини билдиради. Биз уни ялпи мактабгача таълим деб тушунишимиз зарур. Таълим турининг мақсади, ва вазифаси, моҳияти ва мазмунидан келиб чиқиб, тезкорликдаги чораларни кўришимиз лозим. Шундагина боғчада таҳсил олган, турли марказ ва муассасаларда қисқа муддатлик бўлса-да тайёргарлик кўрган болалар бир хил шароитда ўқишни бошлашади. 9 йил мобайнида дилбандларимиз умумий ўрта таълим ҳажмида пухта билим олишларига, мукаммал тушунча ва турғун малакаларга эга бўлишларига замин яратилади.

**С.АБДУЛЛАЕВА**

Qutlug' ostona

# МАКТАБДАН БАНККА

Бу йил биринчи бор республикамизнинг банк ишига ихтисослашган мактабларининг 915 нафар битирувчилари умумий ўрта таълимни тугатганликларини тасдиқловчи шаҳодатнома ҳамда банк ихтисослиги бўйича махсус сертификатлар билан мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон банклар Уюшмасида мазкур битирувчиларга сертификатлар тантанали равишда топширилди. Маросимда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, қалблари қувончга тўла ўғил-қизларни қизғин табриклар экан, бугунги маросим ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг, банк тизимларининг қуйи қисмларини кичик мутахассислар билан таъминлашга қаратилган саъйи-ҳаракатларнинг дастлабки натижалари эканлигини айтди. Маросимда шунингдек, Ўзбекистон олий ва ўрта-махсус таълим вазири С. Ғуломов ҳамда мамлакатимиз банклари Уюшмаси бош директори К. Жумабековлар ҳам сўз олиб, ёш мутахассисларни дастлабки ютуқлари билан қутладилар.

Халқ таълими вазирлигининг билдиришича, мактаб ўқувчиларидан банк ходимларини тайёрлаш ғояси бундан уч йил аввал туғилган эди. Сал кейинроқ, Банклар Уюшмаси халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларидан энг яхшилари негизида 40 та банк ишига ихтисослашган синфлар ташкил қилди ва уларни замонавий компьютерлар, дастур таъминотлари, методик ва бошқа қўлланмалар билан тўлиқ таъминлашни ўз зиммасига олди. Ана шундан кейин 3000 нафарга яқин энг сара 10-синф ўқувчилари мураккаб тест синовлари орқали танловдан ўтиб, молия иши асосларини сидқидилдан ўргана бошладилар.

Ушбу ўқув жараёнининг тўғри йўналтирилиши ва мониторинги учун «Таълим тараққиёти» илмий-методик маркази ҳам ўз ишини бошлаб юборди. Мана шу саъи-ҳаракатларнинг бугунги мевалари бўлмиш банк синфлари битирувчилари якуний синовлардан муваффақият билан ўтиб, ўзларининг шу бугунданоқ кичик банк ходимлари сифатида иш бошлай олишларини исботладилар.

Бу йилги қалдирғочлар эндиликда, мамлакатимиз банк тизимида хизмат қилишлари ёки ўз ихтиёрларига кўра Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ёхуд «Умид» жамғармаси орқали хорижий дорилфунунларда ўз билимларини ошириш имкониятини амалга оширишлари мумкин.

Биз ёш банкирларга келажак ишларида муваффақиятлар тилар эканмиз, уларнинг республикамиз банк тизими равнақига ўз ҳиссаларини қўшишларидан умидвор бўлиб қоламиз.

**Акмал БЕКМУРОДОВ**

Tariximizni o'rganamiz

# «АДИБИ АВВАЛ» ВА «АДИБИ СОНИЙ»

Мадрасалар қадимда олий ўқув юрти мақомида бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши янгилик эди. Уларда, мусулмон ақидалари, исломий илмлар билан бир қаторда аниқ фанлар ҳам ўқитилган.

Исмоилбек Ғаспирали 1881 йилда нашр қилинган «Русия мусулмончилиги» асаридаёқ Русия тасарруфидаги туркий халқлар таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш лойиҳасини кун тартибига қўйди. Бу – туркий халқлар тафаккуридаги буюк инқилоб эди. Исмоилбекнинг бу лойиҳаси Қозонда П. Ильминскийнинг, унинг Туркистондаги шогирдлари М. Миропиев, Н. Остроумовларнинг кескин қаршилигига учради.

1883 йилда Туркистон ўлкасидаги шаҳар рус ўқув юртлари муаллимларининг 1-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда қатнашган Сатторхон Абдуғаффоров /1843-1901/ чор маъмурларининг маҳаллий аҳолини мажбуран руслаштириш сиёсатини кескин қоралаб чиқди ва рус мактабларига маҳаллий тил ва мусулмон динидан дастлабки маълумот берувчи муаллимлар жалб қилиш кераклигини таъкидлади. Туркистон ўлкасида янги — «усули савтияи тадрижия» мактабларини биринчи бўлиб очган, бу мактабларнинг илк дастур ва дарсликларини тузиб берган мутаффаккир Мунавварқори Абдурашидхон ўғли эди.

Мунавварқори Абдурашидхонов /1878-1931/ Исмоилбек Ғаспиралининг ислоҳотчилик фаолиятини чуқур ўрганиб чиқди, «усули савтия» ўқитув усулининг Туркистон ўлкасида кенг тарқалиши учун кураш олиб борди. Аммо чор ҳукумати, генерал-губернаторлик мустамлака ўлкаси халқларини илм-маърифатдан, тараққиётдан янгича ўқитиш усулларидан узоқда сақлашга ҳаракат қилиб, давр талабларига бутунлай зид бўлган, феодал қолоқлигини, турғунликни ўзида тўла мужассамлаштирган «усули қадим» тарафдорларини рағбатлантирди.

Мунавварқори 1901 йилда ўз ҳовлисида, кейинчалик Тошкент шаҳрининг турли даҳаларида «усули савтия»га асосланган мактаблар очишга муваффақ бўлди ва ушбу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлади, уларга раҳбарлик қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, Мунавварқори томонидан очилган бу мактаблар Туркистон ўлкасида «усули савтия» асосида яратилган мактабларнинг биринчиси эди. Бу ҳақда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг замондоши, бундай мактаблар очишда устози Мунавварқорига яқиндан ёрдам берган Мўминжон Муҳаммаджонов – Тошқин қуйидагиларни ёзади: «Мунавварқори – Шайх Ҳованд Таҳур даҳалик Мирдадаҳожи деган бир бойнинг меҳмонхонасида мактаб очиб, бир-икки йилдан бери Абдусамиъқори деган бир киши билан ўқутуб турмоқда бўлғонлиғини айтдилар. Ҳозирда тўрт синф бошланғич /ибтидоий/ мактаб бўлуб, яхшиғина тартиблик, парта, катта тахталар, ер юзи бўлакларининг / қитъаларининг/ қисқача ҳам бутун «харита»лари бор экан. Ҳозирда шул тартибда очилғон янги тартибли мактаб 9-10 ерда борлиғини билдирдилар. Бу янги тартиб мактабларининг бу Тошкент шаҳрида жорий бўлиб кетганига биринчи сабаб Мунавварқори бўлиб, барчасининг программини шул тузиб берган» /Мўминжон Муҳаммаджонов, «Турмуш уринишлари», Тошкент, 1926 йил, 245-бет /.

Мунавварқори бундай мактабларнинг кундалик ўқув-тарбиявий ишларидан тортиб, йиллик битириш имтиҳонларини уюштиришгача бошчилик қилди. Асримиз бошларида очила бошлаган «усули жадид», яъни «усули савтия» мактаблари бир оз вақт ўтгач, кўплари ёпила бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири бундай мактаблар учун яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг ниҳоят даражада етишмаслиги бўлса /йўқ даражада эди – У. Д/, иккинчиси, ўқитувчиларнинг «усули савтия» усулини билмасликлари эди. Бу ҳақда педагог, драматург Ҳожи Муин қуйидагиларни ёзади: «1901 йилдан эътиборан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Туркистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан /тақлидий суратда/ бир даража кўпайган бўлса ҳам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, фақат баъзи тузуклари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби, ўқитувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди» /«Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1926 й., 2-сон/.

Демак, илғор педагоглар, маърифатпарварлар ва маорифчилар томонидан яратилган дарслик ва қўлланмалар янги очилаётган мактаблар учун ниҳоятда зарур эди. Шунинг учун ҳам Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» дарслиги ўн етти марта, Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» алифбо дарслиги беш марта, «Иккинчи муаллим» ўқиш китоби уч марта нашр қилинди.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғли «усули савтия» мактаблари учун 1907 йилда «Адиби аввал» /«Биринчи ўқитувчи»/ ва «Адиби соний» /«Иккинчи ўқитувчи»/ дарсликларини яратди. Ҳожи Муин «Ўзбекча алифболар тарихи» номли мақоласида «Адиби аввал» алифбоси ҳақида қуйидагиларни ёзади: «1901 йилда Тошкентда Мунавварқори томонидан «Адиби аввал» отлиқ алифбо ёзилғон бўлса-да, бунинг биринчи босмаси 1907 йилда чиқди. Бу алифбо Туркистондаги «усули жадид» мактабларининг кўписи томонидан /баъзи русски-туземний мактабларга ҳам/ қабул қилиниб, дарс жадвалига киргизилганлиги учун Октябрь инқилобиғача тузатилиб, ўн дафъа босилди. Сўнгғи босмалари расмли бўлиб чиқди». /«Мaориф ва ўқитғувчи» журнали, 1926 й., 2-сон/.

Мунавварқорининг «Адиби аввал» алифбо дарслиги асримиз бошларида яратилган алифболар ичида ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу мукаммаллик, биринчи навбатда, унинг услубий жиҳатдан пухта тузилганлигида кўринади. Алифбо муаллифи ҳар бир дарс учун ўқитувчиларга методик кўрсатмалар тавсия қилади. Масалан, «Ёт ҳарфлар» /ўзбек тилига хос бўлмаган ҳарфлар/ дарси учун шундай методик тавсия беради: «Холис туркий сўзларда ҳеч бир истеъмол қилинмасдан, фақат арабий ёки форсийдан олинмиш сўзлардагина истеъмол қилинадургон ҳарфларни «Ёт ҳарфлар» деюлур. Форсий ва арабийдан олинмиш сўзлар кўп вақтда ҳаракат ила ўқулурлар. Шул сабабли «ёт ҳарфлар»ни туркий ҳарфлар орасида кўрсатилмаган эди. Энди ҳаракат аломатларина болаларни /нг/ бир оз ошно бўлганлари учун бу ўриндан бошлаб «ёт ҳарфлар»ни ҳам кўрсатмак мувофиқ кўрилди» /«Адиби аввал".

Мунавварқори баъзи мураккаб товушларнинг талаффузини ўқувчиларга ўргатиш, ўша товушларнинг ҳосил бўлиш ўрни, уни талаффуз қилишда иштирок этувчи нутқ аъзоларининг кўринишлари ҳақида методик кўрсатмалар беради. Булар Мунавварқорининг тилшунослик илмини, айниқса, ўзбек тилшунослигини анча мукаммал билганлигини кўрсатади.

Алифбонинг асосий қисми — ҳарфларни ифодаловчи товушлар ва уларнинг ёзилиши, ҳаракатлар ва уларнинг вазифаси ўтиб бўлингандан кейин асар муаллифи «Сон», «Аъзолар», «Тўрт оёғли ҳайвонлар», «Қушлар», «Оғочлар», «Замонлар», «Ердаги нарсалар», «Уйдаги нарсалар», «Кийимлар», «Мусулмонли шаҳарлар», «Диний сўзлар», «Мусулмон», «Ҳайвонларнинг исмлари» сарлавҳалари остида улар ҳақида маълумот беради. Алифбо муаллифи ҳарфларнинг номларини ёд олишни, шу ҳарфларни ифодаловчи товушларни, уларнинг ёзилишини /алоҳида, сўз бошида, ўртасида ва сўз охирида/, уларнинг шаклларини ўрганиб бўлганларидан кейингина тавсия қилади. Бу билан Мунавварқори «усули қадим»чиларнинг ҳарфлар номларини қуруқ ёдлаш, тахтахонлик усулларига кескин қарши чиқди, оддий саводхонликка ниҳоятда қисқа вақт ичида эришиш масаласини ижобий ҳал қилди.

«Адиби аввал» алифбо дарслигида расмлар орқали таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор берилган. Муаллиф болалар руҳиятини анча мукаммал билган. Маълумки, ўқувчилар ҳамма вақт эшитган нарсаларидан кўра кўрган нарса-буюмларининг расмини узоқ вақт хотираларида сақлайдилар, чуқур идрок қиладилар. Шунинг учун ҳам у аввал ҳар бир дарсга мос келадиган, ёзувда ифодаланган нарса-буюмларнинг расмини киритган.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг иккинчи дарслиги «Адиби соний», «усули жадид» мактабларининг иккинчи синфлари учун ўқиш китоби сифатида яратилди. Ушбу дарслик 1907-1916 йиллар оралиғида беш марта нашр қилинди. Дарслик икки йўналишдан ташкил топган: 1. Ахлоқий дарслар. 2. Фанний дарслар. Ҳар қайси фанний дарсга муаллиф методик тавсиялар, кўрсатмалар беради, кўргазмали воситалардан фойдаланиш масаласига ўқитувчилар эътиборини қаратади: «Ушбу дарсларни бир курраи маснаъ ёки хариталардан кўрсатиб, денгиз ва қитъаларни тушундурмак муаллим афандиларнинг вазифаи лозимадаларидур» /"Адиби соний», 10-бет/.

Мунавварқори ҳар бир дарс учун берилган насрий матндан кейин қиссадан ҳисса чиқариб, «назм» рукни остида ахлоқий мазмундаги, насрий матнга мос келадиган шеърлар беради. Масалан, 3-дарсда «Илм» насрий матнида илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, болаларнинг илмни эгаллаши шарт эканлиги ҳақида гапириб, шундай шеърий ҳисса беради:

Илмдур дунёда энг яхши ҳунар,
Илмсиздан яхшидур гунг ила кар.
Ҳар киши илм ила бўлса ошино,
Иззату давлатда бўлғай доимо.
Илмсиз одам залилу хор ўлур,
Илмсизлардин ҳама безор ўлур.
«Адиби соний», 5-бет).

Педагогика тарихидаги бу манбалар аждодларимизнинг маориф ва маърифат йўлида беҳад эътибор кўрсатиб келганликларидан далолат беради.

**Улуғбек ДОЛИМОВ,**
**Тошкент Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди**

